O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 21 февраль, № 35 (3834) Сешанба

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

«АЛИЕВ»НИНГ БОКС РИНГЛАРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан тўрт йил муқаддам Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида жамғарма ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан жойларда, хусусан, чекка-чекка қишлоқларда ҳам юзлаб замонавий спорт мажмуалари қад ростлади. Улар босқичма-босқич спорт ускуналари билан жиҳозланмоқда. Асосийси, мажмуаларни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган спорт инвентарлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Президентимиз ҳам ўтган йилнинг ноябрь ойида Оқсаройда ўтказилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида "Бугунги кунда замонавий корхоналаримизда сифатли болалар спорти жиҳозларини кенг кўламда ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш даркор", деб алоҳида таъкидлаганди.

(Давоми 2-бетда).

БУНДЕСТАГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестагининг Германия — Марказий Осиё парламент гуруҳи раиси Хеди Вегенер хоним Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, парламентлараро ҳам ривожланиб бораётгани қайд этилди. Томонлар қонунчилик борасида, давлатларимиз ўртасидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва ислоҳотларни амалга оширишда ўзаро тажриба алмашишни кенг йўлга қўйган. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда Бундестагнинг ўндан ортиқ делегацияси меҳмон бўлгани бу фикрнинг яққол далилидир.

Германия Бундестаги таркибида қатор икки томонлама ва минтақавий парламент гуруҳлари фаолият кўрсатади. 1994 йилда тузилган Германия — Марказий Осиё парламент гуруҳининг асосий вазифаси минтақамиздаги давлатлар, хусусан, Ўзбекистон парламенти билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан иборат.

Қонунчилик палатасидаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Х.Вегенер хоним Олий Мажлис Сенатида ҳам бўлиб, қўмиталар раислари билан музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

«Мустақиллик декларацияси»:

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мустақиллик бизга осмондан тушмаган. 1991 йилнинг 31 августигача тобелик ва мутелик тамғаси, қуллик занжиридан расман қутулишимизга қадар — 80-йилларнинг охири, 90-йиллардаги сиёсий вазиятнинг ўта таҳликали эканлигига қарамай яна бир муҳим ҳужжат — "Мустақиллик Декларацияси" ҳам қабул қилинган эди. Озодлигимизнинг олтин пойдевори бўлмиш бу улуғ ҳужжат ўзбек халқи ва ўзбекистонликлар ҳаётида улкан воқеа, ўз тақдир-аъмоли йўлида ишонч билан қадам ташлаган мамлакат тарихининг нурли саҳифасидир.

Мустақиллик ҳали эълон қилинмаган эди. Истиқлолга етишган кунимиздан бир йилдан кўпроқ вақт илгари — 1990 йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик Декларацияси"га имзо чекди. Хўш, бу тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эди? Бу ҳужжатда қандай мақсад-муддао мужассам эди? Халқимизнинг хоҳиш-иродаси нечоғлик ифодаланганди бу ҳужжатда?

Аввало, ўша пайтда – ўта зиддиятли, империя зулми авжга чиқиб, миллат озодлиги йўлида ҳаракат қилиш у ёкда турсин, уни хаёлга келтиришнинг ўзи аянчли мусибатлар келтираётган бир даврда мамлакатимиз раҳбарининг бу ишга қўл уриши чиндан ҳам жасорат эди. Шунингдек, ён-теварагимиздаги сиёсий беқарорлик, ўта қалтис ҳолат, мамлакат ичкарисидаги митингбозликлар, одамларни турли хил баландпарвоз гаплар билан чалғитиб, қонли тўқнашувларга бошловчи айрим "сиёсатдон"ларнинг найранглари авжига чиққан эди. Халқ, очиғи, кимга эргашиши, нима қилишини билмай, иккиланиб турарди.

Ўша пайтда, империя ўз озодлигига интилган мамлакатимиз ичкарисида қуролли можаролар чиқариб, халқнинг ишончига дарз кетказиш, нима қилиб бўлса-да, нотинч вазиятни юзага чиқариш пайида эди. Шундай бўлгач, Ўзбекистон "ташқари"га чиқиб кетолмас эди.

Бундан ташқари, юртимизни иқтисодиёт бўҳронида қолиб кетади, империясиз мустақил бир қадам ҳам юролмайди, давр тўфонларида ҳалокатга учраган кемадек чил-парчин бўлиб кетади, деган фикрларни четдаги "зукко" иқтисодчилар тинимсиз кишиларимиз онгига сингдирар, узоқдаги "сиёсий шарҳловчи"ларнинг ҳам куни туғиб, Ўзбекистон яккаланиб қолади-ку, нимасига, кимга ишонаяпти, давлат сифатида шакллана олмайди, деган фикрларни ўртага ташлардилар. Хуллас, Ўзбекистон оғзига кучи етган-етмаганларнинг сиёсий "ғийбати"га айланиб қолган паллада, ҳеч бир дўқ-пўписа ва иддаога парво қилмай мамлакатимиз раҳбари Декларацияга имзо чекди.

Очиқ айтишимиз керак, 90-йиллардаги сиёсий-ижтимоий вазиятни ҳозирги ўсмирлар яхши билишмайди. Бироқ, оқ-қорани танигган кишиларимизнинг ёдида. Ўш фожиаси, Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманган воқеаларини эсланг. Бу даҳшатли талотумлардан мақсад нима эди? Мақсад аён — юртда уруш оловини ёқиш. Бу қонли мусибатлар бошида эса ўзбек халқи озодлигининг душманлари, Ўзбекистон тараққиётига тўғаноқ бўлишга жон-жаҳди билан киришган ёвуз кучлар турарди.

Мустақиллик Декларацияси — зуғум ва тобеликка қарши қатъий исён эди. Зулмат осмонида гўё чақин чақиб, момоқалдироқ гумбурлагандай бўлди. Бу ҳолни, яъни декларация нимага ишора эканлигини тушунган зиёлилар тафаккурида эса эртанги кунга нисбатан умид учқунлари йилтиллади. 1990 йил 22 июнда республикамизнинг ўша даврдаги етакчи нашрлари ушбу ҳужжатни — озодномани эълон қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида "Мустақиллик Декларацияси" қабул қилинди. Парламент залидаги ҳолатни Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов шундай эслайди: "**Бу тарихий ҳодиса эди. Ўз фикрига, дунёқарашига эга инсонларнинг дилидаги гап эди. Менинг назаримда сессия давом этаётган бино ичкарисида озодлик шабадаси эсиб ўтгандай бўлди. Истиқлол учун курашган улуғларимиз руҳи шодлангандай, юзимиз ёришгандай бўлди. Кўнгилдаги қўрқув ва ваҳм чекинди. Шахсан мен Президентимиз юртимизни озод кунларга олиб чиқишига дил-дилимдан ишондим. Бу ҳолни таърифлашим учун асрий қулликдан қутулишга чоғланган халқнинг бахт-саодати нима эканлигини англаш етарли деб ўйлайман...**"

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуида амалий конференция бўлиб ўтди.

ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва "Адолат" социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, тегишли муассаса ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда аҳолининг юқори сифатли дори воситаларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда юртимизда дори воситаларининг ишлаб чиқарилишидан то истеъмолчиларга етказиб берилишига қадар бўлган жараённи мувофиқлаштиришга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари яратилиб, амалиётга кенг жорий этилаётир.

Республика маҳаллий фармацевтика саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ва хо-

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг шиори:

ИМКОНИЯТЛАРНИ АСТОЙДИЛ ИШГА СОЛАЙЛИК

Босиб ўтилган йўлга танқидий баҳо бериш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз минтақаларида ўтказилаётган фаоллар йиғилишларида бой берилган имкониятларни ҳисобга олиш, ижобий ишларни давом эттириш муҳокаманинг асосий мавзуси бўлмоқда.

ФАРҒОНА

Йиғилишда эришилган муваффақиятларнинг замири кўп жиҳатдан вилоятнинг инвестиция жозибадорлиги ортиб бораётганлиги, кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши кўпаяётганлиги, фермерлар сони ортаётганлиги, маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Чунончи, ўтган йили 22 та лойиҳа бўйича 28 миллион долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Қўшма корхоналар 64 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилди. Кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг вилоят ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши аввалги йилга нисбатан салкам 4 фоизга ортиб, деярли 44 фоизни ташкил этмоқда. Тармоқда бир йилнинг ўзида 37,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 170 та лойиҳа ўзлаштирилиб, 58 миллион долларлик валюта иқтисод қилинди. Буларнинг барчаси вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 2004 йилга нисбатан 5,5 фоизга ўсишини таъминлади.

Анжуманда эришилган ютуқлардан кўра, фойдаланилмаган имкониятлар, бой берилган фойдалар, бир хил шароит, имкониятда ишлаб ҳар хил натижаларга эришаётган корхоналар кўрсаткичларини таққослашга эътибор қаратилди.

Хусусан вилоятда иқтисодий соғломлаштириш жараёни бораётганига қарамай, давлатдан боқиманда шаҳар ва туманлар сафи камайиш ўрнига кўпайиб бораяпти. Фарғона, Қўқон шаҳарларидан ташқари бирорта шаҳар ёки туман бюджети ички маблағ ҳисобидан қопланмаяпти.

Фаолият кўрсатаётган 225 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари эса мижозлар муаммолари билан шуғулланиш ўрнига, бозор иқтисодиётида қандай яшаб қолиш ташвиши билан юришибди. Улар фақат пештахтадаги номларини ўзгартиришган.

Йиғилишда Республика Бош вазири Ш. М. Мирзиёев қатнашди.

АНДИЖОН

Йиғилишда ўтган йили вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,5 фоиз ўсгани, жумладан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1,4, халқ истеъмол товарлари тайёрлаш 1,5 баравар ошгани таъкидланди. Капитал қуйилмалар 13 фоиз кўп ўзлаштирилди, экспорт ҳажми 1,6 марта кўпайди. Қишлоқ хўжалигида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш режалари ошириб бажарилди. Вилоят бўйича 81 та ширкат хўжалиги негизида 1365 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган 12 та ширкат ҳам фермер хўжаликларига айлантирилади.

Мажлисда иқтисодиётнинг саноат тармоғи қаттиқ танқид қилинди. Республикамиз ҳукуматининг бераётган катта ёрдамига қарамай вилоятдаги иккита корхона йилни зарар билан якунлади, 11 та корхона банкрот деб эълон қилинди, 23 та корхона саноат ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборди. Улар орасида "Ойим текстиль" қўшма корхонаси ҳам бор.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 45 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса-да, уларнинг 90 фоизи биргина "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасига тўғри келади. Тадбиркорлик субъектлари сони 1845 тага қисқарди. Боз устига рўйхатдан ўтган бундай тузилмаларнинг фақат 80 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Коммунал соҳада қарздорлик муаммоси кескинлигича қолаяпти.

Газ ва сувга ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш прогноз даражасига етказилмаган. Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш, маҳаллий бюджетда дотациялар ҳажмини пасайтириш бўйича етарли чоралар кўрилмаяпти.

Анжуман қатнашчилари танқид қилинган соҳаларда аҳволни тузатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

СУРХОНДАРЁ

Вилоятда бултур ички минтақавий истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 фоизга ўсган. Саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ҳам мамлакатимиз кўрсаткичларидан паст. Термиз шаҳрида пахта тозалаш заводидан бошқа корхоналар деярли тўхтаб қолган. Деновдаги йирик саноат корхоналарида қувватлардан яхши фойдаланилмади. Йилни иқтисодий зарар билан якунлаш ҳолатлари кузатилди. Айниқса, мева-сабзавотни қайта ишлаш йўналишидаги ишлар қониқарли эмас.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги тўсиқлар иш ўринларини кўпайтиришга ҳалақит бермоқда. Ишлаб чиқаришга хориж сармояларини жалб этиш суръатлари ҳам паст. Жойларда раҳбар кадрлар алмаштириляптию иш маромлари илгариги ҳолича қолиб кетмоқда. Қишлоқда чакана савдо, аҳолини кундалик истеъмол моллари билан таъминлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бандлик дастури бўйича режалаштирилаётган, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган юмушлар кўламини кенгайтиришга эътибор кучайтирилади.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

НАВОИЙ

Бу ерда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарди.

Таъкидланганидек, ўтган йили вилоятни иқтисодий-ижтимоий ри-

(Давоми 2-бетда).

Ислоҳот одимлари

2004 йилда — 26 та

Янги мактаб бинолари қурилиши

2005 йилда — 55 та

2004 йилда — 15 %

Аҳолининг реал даромадлари ўсиши

2005 йилда — 22 %

Бугуннинг шиори:

ИМКОНИЯТЛАРНИ АСТОЙДИЛ ИШГА СОЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

вожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, хизматлар сифатини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми киши бошига ўртача 1 миллион сўмни ташкил этди.

Вилоятда иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг барчасида ўсиш кузатилди. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми 104,9 фоизга бажарилди. 62 та объектнинг давлат активлари сотилиши натижасида 2,4 миллиард сўм маблағ тушди. Ҳисобот даврида паст рентабелли ва йилни зарар билан якунлаган 14 та ширкат хўжалиги ўрнида 810 та фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 5676 тага етди.

Фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида 25,5 мингта янги иш ўринлари яратилди. Бунинг натижасида вилоятда ишсизлик даражаси олдинги йилга нисбатан 36,2 фоизга камайди.

Ўтган хўжалик йилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида ўнлаб янги корхоналар ишга тушди. Айни пайтда вилоятда 853 та саноат корхонаси фаолият кўрсатяпти. Шунинг 49 тасини қўшма корхоналар ташкил этади.

Анжуманда ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳақида сўз юритилди. Нурота, Хатирчи, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳридаги баъзи корхона ва ташкилотлар йиллик режаларини уддалай олмади. Тадбиркорлик субъектларининг 14 фоизи умуман фаолият кўрсатмади. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Хатирчи, Навбаҳор туманларида қониқарсиз аҳволда. Энергетика ва газ истеъмоли учун қарздорлик даражаси ошиб боряпти.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ХОРАЗМ

Вилоят ҳокими И. Бобожонов бошқарган фаоллар йиғилишида ўтган йил мобайнида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муайян силжишларга эришилгани, иқтисодиётни эркинлаштиришга, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,6 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 29,3 фоизга ошди. Шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 4,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 18,1 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиш олдинги йилга нисбатан 24,8 фоизга кўпайди. Вилоятда тадбиркорларга катта қулайликлар яратилаётгани, кредитлаш тизимини шакллантиришга жиддий ёндашилгани туфайли кичик бизнес объектлари сони 21,8 мингтадан ортди. 2005 йилда тадбиркорларга 9,1 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу олдинги йилга қараганда 32 фоизга кўп.

Қишлоқ хўжалигидаги ижобий ўзгаришлар натижасида соҳа ялпи маҳсулоти 4,1 фоизга ортди.

Йиғилишда вилоят ижтимоий-иқтисодий аҳволи Президентимиз белгилаб берган вазифалар асосида чуқур таҳлил этилди, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий ҳамда иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш, истиқболсиз корхоналарни тугатиш дастурларини бажаришда шаҳар ва туманлар ҳокимлари масъулият сезмаётганлиги қайд этилди. Оқибатда, 2005 йилда умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 2 фоизни ташкил этди, холос. Шунингдек, кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш тизимини йўлга қўйишда сусткашлик сезилмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу соҳада бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш зарур.

Фаоллар йиғилишида мавжуд камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди, мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

риждан расмий равишда олиб келинаётган барча фармацевтика ва тиббий буюмлар сифати бўйича тегишли назорат ўрнатилган.

Лекин шунга қарамай, сифатсиз ва қалбаки дори воситаларининг норасмий йўллар

ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

билан мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётгани, дорихоналарда сотилаётгани билан инсон ҳаёти учун хавфли ҳолатларнинг кузатилаётгани ташвишланарлидир. Тадбирда қўллаш учун бундай яроқсиз ва қалбаки дори воситалари муомалага киритилишининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Анжуманда дори воситалари ва фармацевтика фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ҳамда улгуржи савдо тизимини такомиллаштириш, дорихона ва улгуржи фирмаларнинг устама нархларини оптималлаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

Президент маърузасини ўқиб

Ҳуқуқий пойдевор ва масъулият

Мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузасида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз иқтисодиётимизни ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш масалаларига тўхталар экан, "Ислоҳотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга" эканлигини алоҳида қайд этди.

Табиийки, ислоҳотлар самараси, аввало, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳиятида кўринади. Бу фуқароларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини ҳақли равишда шу юртнинг ҳақиқий эгалари сифатида ҳис қилаётганида ҳам яққол намоён бўлаётир. Ўтган йили бюджет соҳаси хизматчиларининг ойлик иш ҳақлари, пенсия, стипендия ва нафақалар 40 фоизга ўсгани аҳоли реал даромадларининг ошишига асос бўлди.

Президент мамлакатимизда шаклланаётган ўрта синф тўғрисида тўхталар экан,

"Биринчи навбатда бу — ўз кучи ва имкониятига таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор-тадбиркорлар"

эканлигини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, азалдан меҳнатсевар, тадбиркор, ҳунармандлиги билан фахрланиб келаётган халқимиз хусусий мулкни мустаҳкамлаб, демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш юртимиз равнақини оширишда фаол иш олиб бормоқдалар.

Давлатимиз раҳбари олдимизга қўяётган вазифалардан келиб чиқиб, биз депутатлар юртимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қанча қонунлар устида ишлар эканмиз, улар давр талаблари асосида тайёрланишига эътиборни кучайтирмоқдамиз.

Таъкидлаш лозимки, маърузада муҳим устувор йўналиш сифатида таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш вазифалари алоҳида қайд этилди. Бу вазифаларни бажариш албатта шу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларида бу соҳада Президентимиз белгилаб берган йўналишлар асосий ўрин эгаллаганини айтиб ўтиш жоиздир. Айни кунларда "Микрокредитлар ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги, "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Холдинглар тўғрисида"ги қонун лойиҳалари устида иш олиб борилаяпти. Шу билан бирга, соҳага оид кўпгина амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун ташаббускорлиги фаолияти давом этмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзоси сифатида мен Президентимиз маърузасида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бу борадаги муаммоларни ҳал этишга янада кенгроқ йўл очиб беради деб айта оламан. Негаки, ЎзХДП ва унинг парламентдаги фракцияси дастур ва режаларида меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлиги борасида қонунчилик ташаббускорлиги ҳамда партиянинг қуйи бўғинлари ҳокимлик, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юргизиш, янги микрофирмаларни ташкил қилиш, оилавий бизнес, косибчилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш орқали амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари "Юқоридаги зикр этилган барча муаммоларни ечиш мақсадида амалдаги Божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати бугун кун тартибида турибди. Мазкур кодекс барча божхона процедуралари бажарилишининг очиқлигини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз контрабанда маҳсулотлари кириб келишидан ҳимоялашга қаратилиши, бевосита таъсир кучига эга бўлган норматив ҳужжат бўлиши керак", деб таъкидлади. Бу ҳужжатни тайёрлаш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам бевосита катта маъсулият юклайди.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.

Банк тизими

Ўзбекистон Банклар ассоциациясида республика Марказий банки томонидан хорижий инвесторлар учун банк ва молия тизимидаги муаммоларга бағишланган «Давра суҳбати» уюштирилди. Унда вазирлик ва идоралар, йирик маҳаллий ва хорижий тижорат банклари, инвесторлар, қўшма корхоналар вакиллари иштирок этди.

Инвестиция учун қулай муҳит

Маълумки, республикамиз ҳукумати инвестицион фаолиятни рағбатлантириш борасида изчил тадбирларни амалга оширмоқда, шу билан бирга, мамлакатимизда инвестиция ва хорижий сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича қонунчилик базаси тобора мустаҳкамланмоқда, улар учун қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилмоқда.

Анжуманда унинг иштирокчиларига охирги йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Бу тадбирлар туфайли эса, ўз навбатида, банк тизимида инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида тижорат банклари капиталида давлат улушини камайтириш (хусусийлаштириш), капиталлаштириш, тизимдаги соғлом рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда банклар фаолияти равшанлигини таъминлашга эришилаётир.

«Давра суҳбати»да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг инвестицион имкониятлари ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлиги ҳақидаги маълумот ҳам тингланди.

Таъкидландики, бугунги кунда республикамиз тижорат банклари дунёнинг юздан ошиқ йирик банклари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ҳамкорлик кўламининг кенгайиши банкларга ҳар йили хорижий молия ташкилотларининг тўғридан-тўғри инвестицион ва кредит маблағларини хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга жалб этиш имконини бермоқда.

Анжуманда хорижий банк вакиллари мамлакатимиз банк тизимини янада ривожлантиришга доир таклифларини илгари суриб, банклар томонидан хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш масаласи юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Асқар ҲАЙДАРОВ.

«АЛИЕВ»НИНГ БОКС РИНГЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Алиев" хусусий корхонаси ўз фаолиятини 1997 йил бокс қўлқоплари ва қоплари ишлаб чиқариш билан бошлаганди. Кейинчалик бокс ринглари, гимнастика скамейкалари ва нарвонлари, баскетбол шити, теннис столи, кураш гилами каби жами йигирма турга яқин спорт инвентарлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Муҳим томони, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Ҳозирда Бекобод, Фарғона, Хоразм, Қорақалпоғистон ва Чирчиқдаги спорт мажмуаларига ўрнатиб берилган бокс ринглари кўп йиллардан буён ўз сифатини йўқотгани йўқ.

— Асосан ўзимизнинг хомашёдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизни дастлаб спорт магазинларида сотардик, — дейди корхона раҳбари Даврон Алиев. — Қаторасига икки йилдан бери Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан уюштирилаётган тендерларда ғолиб чиқаяпмиз. Бу ўз навбатида корхона фаолияти жонланишига ижобий таъсир кўрсатаяпти. 2005 йил ўтказилган тендерда 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шартнома имзоладик. Бугунгача шартномадаги маҳсулотларни юз фоиз истеъмолчиларга етказиб бердик.

Албатта, маҳсулотларнинг хорижникидан арзон ва сифатли эканлиги ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. Мисол учун чет эл бокс рингининг ўртача баҳоси, 10-15 минг АҚШ доллари бўлса, бу ерда тайёрланаётган ринг 8 миллион сўм туради. Чет элда ишлаб чиқарилган бокс қўлқопининг энг арзони 50 АҚШ доллари бўлса , бу ердагиси 15-20 минг сўмга тўғри келади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар. СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДАН

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олинган хабарга қараганда, 2006 йил 18 февраль соат 9.05 да "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг МИ-2 вертолёти Навоий вилояти ҳудудида режали парвозни амалга ошираётган пайтда Зарафшон шаҳридан 15 километр узоқликда ҳалокатга учраган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, авиаҳалокат об-ҳаво шароитининг тўсатдан ёмонлашуви оқибатида рўй берган. Фалокат чоғида 5 киши — Навоий кон-металлургия комбинатининг 3 нафар ходими ва 2 нафар экипаж аъзоси: бош директор ўринбосари, комбинатнинг бош муҳандиси Е.А.Толстов, комбинат бошқармаси бош механиги ўринбосари А.А.Вашенко, комбинатнинг Марказий кон бошқармаси ташқи сув таъминоти бирлашган энергия хизмати бошлиғи В.В.Повереннов, Урганч бирлашган авиагуруҳи МИ-2 вертолёти командири Б.С.Аллабергенов ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси махсус авиация ишлари авиакомпанияси МИ-2 вертолетлари авиатехниги С.Т.Бозорбоев ҳалок бўлди.

Авиаҳалокат сабабларини текшириш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Мамлакат раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бўлди ажаб ҳангомалар

СУД ЎЗИНИНГ САЛМОҒИ ҚАНИ?

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунлари ва 2006 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида бошқа муаммолар қатори суд қарорлари аксарият ҳолларда бажарилмаётганини ҳам эслатиб ўтди. Қуйидаги воқеалар айнан шу хусусда. Улар гарчи турли минтақаларда рўй берган бўлса-да, иккаласининг ҳам мазмун-моҳияти ва пировард-натижаси деярли бир хил.

Қилдай айбга филдай жазо

2002 йил августида Бухоро вилояти прокуратурасининг Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ва Бухоро тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари Галаосиё шаҳарчаси "Деҳқон бозори"да тадбир ўтказишади. Шу жараёнда хусусий тадбиркор Муҳаррам Авезовага қарашли хўжалик моллари дўконида 17.195.690 сўмлик ҳужжатсиз маҳсулотлар мавжуд деган тўхтамга келишади. Туман суди Муҳаррамни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 166-моддаси 1-қисмига биноан айбдор деб топади. Унга энг кам ойлик маошнинг уч баравари миқдорида жарима жазоси тайинлаб, хатланган молларни давлат фойдасига мусодара қилишни белгилайди. Апелляция суди бу хулосани маъқуллайди.

Иш бўйича тўлдирилган ижро варақаси 22 октябрда суд ижрочиларининг туман бўлинмасига келиб тушади. М.Авезова эса ўзига нисбатан ноҳақлик бўлганини айтиб, дўконини ёпиб қўяди. 2003 йил 13 январда ижрочилар тегишли идоралар вакиллари ва холислар иштирокида шохобча қулфини бузиб кириб, рўйхатдаги далилий ашёларни кўздан кечиришади. Шунда уларнинг салкам учдан икки қисми жойида эмаслиги маълум бўлади. Қолган 6.220.400 сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилиш учун "Истиқлол" савдо корхонаси тасарруфига ўтказилади. Уч ҳафтага бормай, суднинг галдаги қарорига асосан, дўкондаги 10.975.290 сўмлик бошқа товарлар ҳам ўша савдо тармоғига топширилади. Хўш, кейин-чи?..

Олий суд қуйи судлар қарорларини бекор қилди. Ишни янгидан кўрган Когон шаҳар суди Муҳаррамга 13.605 сўм миқдорида жарима солиб, унинг 108.500 сўмлик молини мусодара қилишни лозим топди. Энг муҳими, ноқонуний олиб қўйилган товарларни сотишдан тушган 10.784.590 сўмни ва ҳали сотилмаган 6.411.100 сўмлик маҳсулотни эгасига қайтариш даркорлигини кўрсатди. Бинобарин, текширувчилар ва олдинги судлар Муҳаррамнинг қилдай айбини филдай қилиб кўрсатишгани юзага қалқиб чиқди. Фақат битта ачинарли томони — бу ҳақиқат рўёбга чиқунча тадбиркор аёл Галаосиё-ю Бухоро, Бухоро-ю Тошкент ўртасида зир югуриб, етти ой судмасуд қатнади. Ортда қолган давр мобайнида қанчадан-қанча қиммати вақтини ва ортиқча маблағини бой берди.

Энди ҳангоманинг давомини эшитинг. Муқаддам суд қарорини бажаришга бениҳоя ошиққан суд ижрочилари низо тадбиркор фойдасига ҳал бўлгач, тескари йўл тутишди. 17.195.690 сўмдан 14.799.289 сўмини етти ҳафтада зўр-базўр тўлаттиришди-ю, қолганини ундиришни 28 ой пайсалга солишди. Тоқати-тоқ бўлган Муҳаррам бултур кузда таҳририятимизга шикоят хати йўллади. Биз унинг аризасини текширишга жўнатдик. Кўп ўтмай Бухоро вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари О.Аслоновдан расмий жавоб олдик. Унда шундай сатрлар битилганди: "Ундирилмай қолган 2.396.400 сўмлик товарларни натура шаклида зудлик билан қайтариб бериш чоралари кўриш ҳақида Суд қарорларини ижро этиш департаментининг Бухоро тумани бўлинмасига кўрсатма берилди ва унинг ижроси вилоят прокуратураси томонидан алоҳида назоратга олинди".

Шубҳасиз, бундан Муҳаррам енгил нафас олди, азиятлари барҳам топишига иконди. Амалдачи? Унга 68 кун деганда бор-йўғи 241.906 сўм тўланганини айтмаганда, ҳеч нарса ўзгармади. Қарабсизки, ҳаммаси қайтадан бошланди: Муҳаррам таҳририятимизга такроран ариза битди. О.Аслонов ҳам такроран жавоб ёзди. Бу хат ҳам, аввалгисидек, силлиқкина эди. Қолдиқ молларни қайтариш чораларини кўриш юзасидан суд ижрочилари туман бўлинмасига кўрсатма берилиб, ижроси назоратга олингани таъкидланганди.

Мана, шунгаям икки ой бўлаяпти. Аҳвол эса, ўша-ўша: "Бировнинг ишига бировнинг қўли саратонда совқотибди" деганларидек, суд қарори 33 ойдан бери тўлиқ бажарилмаяпти. Вилоят прокуратурасидагилар ҳам икки бор ўз назоратларига олинган иш тугал ечим топишига қизиқмаяптилар.

Ажаб, нега шунақа? Ёки ҳуқуқбузарликка қўл урган тадбиркорни жазолашни билган қонунщуносларнинг зарур пайтда уни ҳимоя қилиш ҳам кераклигини ўйлашмасмикин?..

Назорат бор, ижро йўқ

Урганчлик Шодлик Мадраҳимов, жиззахлик Олим Маматқулов ва мамлакат миқёсидаги нуфузли идора ходими Собиржон Қодиров бир вақтлар Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида бирга ўқишганди. Ўша кезлардаёқ қалин дўст тутинишганди. Бу анъанани ўқишни битиришганидан кейин ҳам давом эттиришди. Учовлон тез-тез дийдорлашиб туришди.

"Бизнинг навбатдаги учрашувимиз 2003 йил ёзида бўлди, — деб ёзади Шодлик таҳририятимизга йўллаган хатида. — Шунда Собиржон бир гап айтди: "Ҳозир фалон ташкилотларга картошка олиш учун давлат бюджетидан катта маблағ ажратилган. Бойишни истасангиз, отни қамчиланглар. Бозорлардан арзон-гаровга картошка харид қилиб, қимматроққа топширсангизлар, миллионерга айланишларингиз тайин!". Охирида олди-сотди ҳужжатларини Олимнинг "Бахмалтехинвест" хусусий фирмаси орқали расмийлаштиришни маслаҳат берди.

Тўғриси, бу таклиф бизга маъқул тушди. Шу боис Олим билан Хоразмга бориб, танишларимдан 10 миллион сўм қарз кўтардим. Гардкамига 65 тонна картошка сотиб олиб, айтилган жойларга етказиб бердим. Тушум пуллари, келишганимиздек, "Бахмалтехинвест"га кирим қилинди. Олим 50 миллион сўм атрофида фойда кўрди. Бироқ менинг улушимни бермади. Жилла қурса, қарзни узишни ҳам ўйламади. Шахсан тилхат ёзиб, муҳр босиб берганига қарамай, 18 ой ичида атиги 1 миллион сўмимни қайтарди. "Қолганини эрта оласан, индин оласан", дея алдаб юраверди. Охир-оқибат мен танишларим олдида бебурд бўлиб қолдим. Пичоқ суякка бориб тақалгач, лафзни унутган дўстимни судга бердим. Жиззах туманлараро суди 2004 йил 30 декабрда даъво-аризамни қаноатлантириб, Олим менга 9 миллион тўлаши тўғрисида қарор қабул қилди. Вилоят суди бу суммани 7 миллион 61 минг сўмга туширди. Лекин судьялар иккала сафар ҳам жавобгарнинг фирмаси бор-йўқлигини аниқлашмади. Камина кўрган маънавий заларни, адвокатим иккимиз Хоразм ва Тошкентдан Жиззахга келибкетиш учун сарфлаган йўлкираларни ҳисобга олишмади. Ўлганнинг устига тепгандай, суд ижрочилари пулларимни ундириб беришни чўзгандан-чўзишаяпти. Олим эса, устимдан ошкора кулиб юрибди..."

Биз бу хатни ўтган йил сентябрда олгандик. Кейинроқ аниқлашимизча, Шодликнинг арз-доди ўринли экан. Негаки, Бахмал тумани бўлинмаси суд ижрочиси Ё.Жўрабоев мазкур масала бўйича 21 майда иш қўзғатиб, қарздорга суд қарорини 5 кун ичида ихтиёрий бажаришни таклиф этсада, унинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкини ва даромадларини аниқламайди. Ва яна, ижро муҳлати бузилишига йўл қўяди. 10 июндагина жавобгарнинг олти тур мол-мулкини хатлаб, бир ойлар чамаси кейин уларнинг бозор қийматини аниқлаш мақсадида Жиззах шаҳар Кўчмас мулк ва сармоялар агентлигига мурожаат қилади. Департаментнинг вилоят ҳудудий бўлими катта нозири В.Омоновнинг лоқайдлиги ҳамкасбиникидан-да ошиб тушади. У Шодликнинг аризасига мувофиқ ижро ишини ўрганиб чиқади-ю, аммо Ё.Жўрабоевдан ўтган хатолар сабабига қизиқмайди. Буям етмагандай, ишни анча вақт бўлинмага қайтармай, ўзида сақлаб туради.

Бу ҳолатлар Шодликнинг шикоятномасини текширишга юборганимиздан сўнггина аёнлашди. Иккала ходимга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, суд қарори ижроси вилоят прокуратураси назоратига олинди. Шундай эса-да, ҳаммаси эски ҳаммом, эски тослигича қолаверади. Шодликнинг навбатдаги мурожаатидан кейин эса туман бўлинмаси катта суд ижрочиси Э.Аҳмедов унга ва туманлараро суд раисига қуйидаги мазмунда жавоб йўллади: "...Қарздор ижрони ихтиёрий бажармагач, 2005 йил июнь-август ойларида унга тегишли ҳар бирининг қиймати 1000 сўмлик 100 дона акция, 10 тонналик сиғим, биттадан қандил, гилам ва соат хатланган. Шулардан гилам, қандил ва соат 74500 сўмга сотилган. Сиғим ва акцияларга эса талабгор топилмаяпти. Ш.Мадраҳимовга уларни натура ҳолида олиш таклиф этилади. Шунингдек, сотилган мол-мулк пулини ижро бўлинмасидан келиб олиши сўралади".

Ана, сизга жавоб! Ана, сизга ижрони таъминлаш! Ахир, 100 та акция атиги 100 минг сўмни ташкил этади. Унга гилам, қандилу соат пулини қўшганда, жами 174.500 сўм бўлади. Шунда қарздор бўйнида яна 6,9 миллион сўм қолади. Шодлик Мадраҳимов бунча маблағ эвазига ярим йилдан буён харидор чиқмаган сиғим ва акцияни олармикин? Олган тақдирида ҳам, уларни қарз ўрнини қоплайдиган пулга сота олармикин? Масъулиятни бир амаллаб ўз гарданидан соқит қилишга уринган суд ижрочиси жавоб тайёрлаш чоғи муаммонинг бу жиҳатини ўйлаб кўрмаган, шекилли...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Мустақиллик декларацияси»:

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Империянинг қонли сиртмоғидан қутилиш учун жуда зукко, босиқ, тадбирли бўлмоқ жоиз эди. Озод бўламиз деб майдонга чиққан қардош халқлар бармоқ билан санарли, борларининг бошида қилич ўйнаётгани ҳақиқат эди. СССР таркибидан айрилиб чиқмоққа бел боғлаган Латвиянинг "Латвия Республикаси мустақиллигини тиклаш тўғрисида"ги баёни, Эстониянинг "Давлат мақоми тўғрисида"ги қарори ўша пайтда СССР Президенти Фармони билан бекор қилинди. Энг қизиғи, ўз ҳурриятига эришмоқ истаган бу давлатларга бузғунчилик, миллий худбинлик, айирмачилик қилаяпти, деган айб тақалди. 1990 йилнинг 14 майдаги бу Фармон эркинликка нисбатан ҳар қандай ҳаракатга нуқта қўйилишига ишора эди.

Ўша Фармондан сўнг бир ойдан сал вақт ўтиб Мустақиллик Декларациясини қабул қилган Ўзбекистоннинг кўзлаган мақсадида эса асосан ўз халқининг эрки, орномуси, келажаги, бахтли ҳаётига интилиш туйғуси ифодаланган эди. Декларация матнига эътибор берсангиз, бу муқаддас ҳужжатнинг қадр-қиммати, тарихий аҳамиятини тўлиқ англаб етасиз.

Бу демократик давлат мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимиз иродаси, хоҳиши, ҳимояси, халқаро ҳуқуқларнинг асосий тамойилларини тан олишимиз, Ватанимиз тараққиёти, ўз номи ва давлати белгилари, мустақиллигимизни амалга оширишимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқиш, демократик-ҳуқуқий давлат қуришга, Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини яратишга асосланган, Президент ташаббуси билан қабул қилинган ўта муҳим ҳужжат ҳисобланарди. Бу ваколатлар Ўзбекистон халқи тақдир-аъмолида, яратувчанлигида кескин бурилиш ясаши шубҳасиз эди. Фақатгина шу йўлда мардона курашиш жасорат талаб қиларди.

Давр нуқтаи-назаридан қузатадиган бўлсак, ўша чоғларда бундай ҳужжатни эълон қилиш чин маънодаги қаҳрамонлик эди. Бундан бир йил олдин Фарғона фожиасини бошдан кечирган, қора кучлар турли миллатлар ўртасига солган нифоқнинг жабрини кўрган Ўзбекистонимиздаги танг сиёсий аҳволда бу қадар йўл тутиш осон кечмасди, албатта. Фарғонадаги фожиа оловини Бўка ва Паркентда ҳам содир этмоқчи бўлган ёвузлар содда кишиларни йўлдан ураётган чоғда, одамларга эртанги кунга умид нишонаси пайдо бўлишини истамаган бир гала қонхўрлар юртимиз узра изғиб, тинчлигимизни барбод қилишга уринган, маълум маънода бунга эришган паллада, халқни озодлик сари бошлаш учун мамлакат ишончли қўлда бўлиши керак эди. Бир томондан, империя қўлни қўйвормай турса, иккинчи томондан, мамлакат ичкарисида халққа қутқу солиб гиж-гижловчилар, уруш ўтини ёқиш тарафдори бўлганлар изғиб юрса, юртни беталафот сақлаб қолиш истагида қатъият билан Президент халққа пешвоз чиқиб шу сўзларни айтгани иймонли кишиларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак, деб ўйлайман.

Яъни, Ислом Каримов **1990 йилнинг май** ойида Декларация қабул қилинишидан бир ой аввал Ўзбекистон аҳлига мурожаат қилдилар: **"Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз аввалроқ зикр этилмиш иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган; токи фуқаро пешонасига офтоб тегсин. Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар..."**

Ҳа, бу сўзлар замирида ҳам озодликка интилиш, халқ билан бирдамлик тушунчалари илдиз отганини ҳар бир кўзи очиқ, қалби тоза одам англаб етади. Мурожаат республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига, нурли кунларга ишонч билан йўғрилган эди.

1990 йилнинг 20 апрелида Президентимиз республика касаба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти ва турмушининг ривожланиши даражаси бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар уни атрофлича ва вазминлик билан ўрганиб чиқишни талаб этаётганини таъкидлаган эди. Иқтисодий билимларга таянилган асос ва мезонларсиз юртнинг эртанги кунини тасаввур қилиб бўлмайди, деган реал фикр тажрибали раҳбарнинг Ўзбекистон келажаги учун мавжуд вазиятни тўғри англаб етганидан далолат эди. Одамларга қуруқ ваъда бериб, олдиқочди баландпарвоз сўзлар билан минбарларга чиқиб бақироқлик қилаётган кимсалар буни тушунмас эдилар.

1990 йилнинг май ойидаги мурожаатида Президентимиз яна шундай деганлар: **"Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам элнинг нони бутун бўлсин деймиз. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳам жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серфарзанд оналарнинг аҳволини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий анъаналаримизни тиклаш, тилимизнинг равнақи, кишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Буларнинг барчаси – жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки умидбахш қадамлар, халқимиз қўлласа ва яқиндан мадад берса, навбатдаги қадамлар янада улуғ бўлғай..."**

Бўлар шунчаки қуруқ гаплар эмасди. Халққа ишониш, халқ билан елкадош бўлиш, ҳамжиҳатлик Давлатимиз раҳбарининг юракдан чиққан даъвати эди. Олдиндаги хатарли йўлни омон-эсон босиб ўтишга одамларни руҳан тайёрлашга ундов эди бу!

1990 йилнинг 3 июлида, Кремль съездлар саройида: **"Биз мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик"**, деган гапни айтди Президент. Ўзбекистон давлати келажаги ва халқи манфаатларини ҳимоя қилиб майдонга чиққан Юртбошимиз юрагига бу сўзлар тинчлик бермаётгани ҳақиқат эди. Маърузачи сўзини давом эттиради: **"Жуда бой хомашё ресурсларига, ноёб табиий иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини хомашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳ қилиш мумкин? Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига нима учун Ўзбекистон бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни ололмаяпти? Ўзбекистон "пахта иши", қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда..."**

Бу гаплар унча-мунча йиғинда эмас, КПССнинг XXVIII съездида айтилди. Ана энди ўзингиз хулоса қилиб олаверинг. Марказнинг кўзига ёмон кўринишдан чўчиш, "айирмачилик қилаяпти", деган таъна-дан қўрқиш ҳисси бўлганда эди, бу ўринда халқ шаъни, юрт тақдирига бефарқ қараларди. Йўқ, Ўзбекистон ўз позициясида собит турди.

Ўзбекистоннинг эртаси, ҳаёт-мамоти хусусида Марказ жон куйдиришни истамасди. Токи юртнинг фикрли, кўзи очиқ фарзандлари оёққа қалқмаса ҳисоб эмас эди. Йўқса, Чернобиль фожиаси билан қиёслаш мумкин бўлган Орол ҳудудидаги экологик танглик, оғир вазият ўша пайтдаги катта анжуманлар, яъни Москвада ўтадиган йиғилишларда ечимини топиши керак эди. Афсуски, бу масалага собиқ иттифоқ "ўзинг учун ўл етим" қабилида ёндашган...

Бугунги ёшларимизга бўлган эътибор, уларга яратилган шароитлар ҳали озодликка эришмаган юрт раҳбарининг суронли йиллар дилига тугиб қўйган ниятининг вожиб бўлишидир. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги, тасдиғини топиши учун 1990 йилнинг 16 ноябрида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи, тарбиячи ва мураббийларига қарата айтган ушбу сўзларини келтиришимиз кифоя: **"Биз элимиз, юртимиз, заминимиз, муқаддас тупроғимиз қадрига етадиган, уни тавоф қиладиган фарзандларни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бусиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Буни ҳаммамиз тушуниб олишимиз шарт..."**

Зукко ўқувчи англаган бўлса керак. Мустақиллик Декларацияси миллатни озод этмай туриб, эзгу мақсад-манзилларга етмоқ душвор эканлигини таъкидловчи ҳужжат эди. Ўша даврни маълум маънода кўз олдимизга келтирдик. Марказнинг айрим нашрлари юртимизга мағзава ағдара бошлаган эди. Гўёки Бухородай муқаддас шаҳримизда фоҳишабозликка рухсат берилган, деган ғирт ахмоқона уйдирмаларни тўқиб ёзишарди. Энг қизиғи, Ўзбекистонга туҳмат қилган ўша нашрлардаги мақолалар муаллифи топилмасди. Халққа нисбатан туҳмат тошини отувчилар қўпайиб, ёлғонни ямламай ютиб, Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилувчиларга қарата Ислом Каримов жим қараб туролмади. У 1990 йилнинг 18 декабрида Кремлнинг съездлар саройида минбарга чиқиб шундай деди: **"Кеча тўртинчи съезд бошланган кун эрталабдан бошлаб Марказий телевидение Ўзбекистон ҳудудидаги уюшган жиноятчилик тўғрисидаги 4 серияли фильмни кўрсата бошлади. Худди шунингдек, халқ депутатларининг бундан илгариги учинчи съезди иш бошлаган биринчи куни Ўзбекистондаги пинҳона иқтисодиёт тўғрисидаги 6 серияли фильм намойиш этила бошланган эди. Бу нимадан далолат этмоқда ва бу кимга керак? Наҳотки мафия фақат Ўзбекистонда иш кўраётган бўлса?"**

Ҳуллас, Ўзбекистон гўёки, салбий ҳодисалар мамлакатига айлантирилган эди. Кимларгадир республикадаги яхши ишлар, мамлакат раҳбарияти томонидан халқни иқтисодий юксалиш сари чорлаш, танг вазиятдан чиқиб кетиш чораларини излаши сирасира ёқмас эди. Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманган воҳаларида ўзбек халқининг қўли бор, бу халқнинг "айричили"ги учун шу ҳодисалар содир бўлди, дея томоқ йиртиб бақирувчилар "марказий" матбуот вакиллари орасида тез-тез учраб турарди. Улар кимларнингдир садақасига учиб, тегирмонига сув қуйиб, Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилиш билан овора эди.

Истиқлолимиз эълон қилингач, кўпчилик довдираб қолди. Уларнинг кўнглини энди нима бўлади, деган ҳадик, хавотир қоплаганди. Иккиланиш, ўз йўлини топа олмай қийналган кимсаларнинг тебраниб туриши ғаниларимизга қўл келарди. Шундай бир шароитда Юртбоши ёнида туриш, унга ишониш, оламга теранроқ назар солишни айримларнинг эплай олмагани ҳам ҳақиқат. Энг ёмони, юртимиз истиқлолининг дастлабки йилларида, энди Ўзбекистон дунёнинг катта давлатларига қарам бўлиб қолади, қулоғигача қарзга ботади, охири мутеликка қайтади, деган "башорат"лар айтилганини ҳам ёдга олайлик.

Ҳа, биз биринчи йилларда иқтисодий қийинчиликларга дуч келдик. Бироқ бизни ўз мақсад ва маслагимиз йўлидан ҳеч нарса қайтара олмади. Собит турдик. Чунки истибдод тузуми бағридаёқ Мустақиллик Декларациясини эълон қилган давлат учун озодликни бериб қўйиш, қулликка қайтиш, таназзул, таъбир жоиз бўлса, ҳалокат эди.

Ҳар жабҳада тараққий топиш, изчил ислоҳотларни амалга ошириш, ҳарбий қучқудратимизни яратиш, маърифий ва маънавий йўналишларда ижобий силжишларга эришиш, албатта, ёш мустақил давлат учун осон эмас эди. Лекин ўзимизни яратиш асосида улкан заводлар қурдик. Тараққиётимиз учун муҳим бўлган режалар асосида иш олиб бордик. Бировга қарам бўлиб қолмадик. Кейинчалик барча ҳаракатларимиз самараси амалда бўй кўрсатгач, четдан шубҳа билан қаровчилар сони камая борди. Лўнда қилиб айтганда, юртимизда бунёдкорлик тантана қилди. Бу ҳолни халқнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Ҳа, бу йил озодлигимизнинг тамал тоши ўз ифодасини топган – Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганига 16 йил тўлади. Бу эркинлик йўлидаги дадил қадам эди. Мустақиллигимизнинг 15 ёши нишонланадиган йилда – ўша улуғ тарихий воқеани эслаш, ёдга олиш эса ҳар биримизнинг руҳиятимизга тетиклик бахш этади. Ва озодлик осмондан тушмаганлигини англагандай бўламиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

ИНВЕСТОРЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар сизни қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш масаласи қизиқтираётган бўлса, унда сиз бизнинг мутахассисларимизга мурожаат қилиб,

«ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИДА

рўйхатдан ўтган брокерлик идоралари ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин. Шунингдек, фонд бозорининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қоидалар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 136-07-40, 136-14-31, 133-09-83.

«Тошкент» РФБ бошқаруви.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ сотади:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Телефонлари: (998871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

ROSAVA DNEPROPETROVSK **АККУМУЛЯТОРЛАР** WESTA

Россия, Курск шаҳри; Украина, Днепропетровск

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Завод "TTEMZ"

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403 А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий.
-максимальная грузоподъемность 8т
-максимальная длина стрелы 30м.
(с кареткой) - максимальная высота подъема гор. 41,5м, наклонно 57,5м.

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах.

КС-3577 на базе шасси МАЗ
максимальная грузоподъемность 14 т, максимальная высота подъема 14.5 м.

КС-4574-1 на базе шасси КАМАЗ
максимальная грузоподъемность 20 т, максимальная высота подъема 22 м.

Гарантийный срок 2 года.
Тел.:169-15-33, факс 162-39-66
E-mail: toemz1@sarkor.uz

Возможен монтаж на шасси заказчика

KAMMAZ ARSENAL

юк машиналари учун **ШИНА** таклиф этади

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ:

ИШОНЧ САРИ ЙЎЛ

Юртимизда "Оила банки" дея таърифланадиган кўп тармоқли Халқ банки 2005 йил давомида мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва янада эркинлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Бу борада Президент Фармон ва Қарорларида белгиланган устувор вазифаларни бажариш, шунингдек, банкнинг барқарорлигини таъминлаш ва нуфузини ошириш йўналишларида аниқ мақсадли тадбирларни ҳаётий ифодасини топди.

Энг асосийси, кўп минг сонли банк жамоаси ўзининг 3000 дан ортиқ муассасалари орқали мижозларга кўрсатаётган хизмат турлари савиясини кўтариш орқали 2005 йилда ҳам аҳолининг банкка нисбатан ишончини янада ошириши натижасида банк капитали 16,2 млрд. сўмга шакллантирилди, активлар йил бошига нисбатан 45,1 млрд. сўмга ортди, банкнинг ўз маблағлари 45,0 млрд. сўмга кўпайди. Банк муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 57-сонли ҳамда 2005 йил 5 августидаги "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қарорлари талаблари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 431,4 млрд. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 121,0 млрд. сўмдан ортиқ нақд пул маблағлари банк кассаларига жалб қилинди. Аҳолининг маиший тўловлардан қарздорлигини камайтириш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида 60,9 млрд. сўмлик тушум қабул қилинди.

Ушбу кўрсаткичлар мижозларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини уларнинг биринчи талаби бўйича узлуксиз ва ўз вақтида берилишини таъминлашга замин яратди. Йил давомида 240,0 млрд. сўмдан зиёд миқдордаги биринчи даражали тўловларнинг ойма-ой ва ўз вақтида ҳамда аҳоли депозитларидан 100,0 млрд. сўмга яқин маблағларни омонатчилар мурожаати бўйича нақд пулда берилиши таъминланди.

БАНКНИНГ РЕСУРС БАЗАСИ ВА ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ

Банкнинг ўз ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириши натижасида жорий йилнинг 1 январь ҳолатига мижозлар 27 фоиз (7067)га кўпайди ва 33503 тани ташкил этди. Халқ банкига ишонч билдирган мижозларнинг 60,4 фоизи (20245) хусусий корхоналар ҳамда 37,6 фоизи (12581) якка тартибдаги хусусий тадбиркорлар ташкил этмоқда.

Ўз навбатида, ресурс имкониятларини ошириш мақсадида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишга алоҳида аҳамият қаратилди. Мижозлар учун қулай, жозибали ва юқори даромадли 7 турдаги янги омонатлар, жумладан "Келажак", "Фаровон", "Марварид", "Файз барака", "Истиқлол", "Янги йил совғаси" ҳамда "Холис хизмат" омонат турлари амалиётга жорий этилди. Бу, албатта, кўзланган самарани берди ва мазкур омонат турларига қисқа муддат ичида 20,0 млрд, сўмга яқин бўш пул маблағлари нақд пул сифатида жалб қилинди. Натижада банк муассасаларида мужассамланган омонат қолдиғи ўтган йил давомида 5,9 млрд. сўмга ортиб жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 50,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳисобот йилида қўшимча равишда 760 млн. сўм депозит сертификатлари

аҳолига ихтиёрийлик асосида сотилиши амалга оширилди.

Ушбу йўналишда депозит сиёсатининг муҳим йўналишларидан яна бири — юридик ва жисмоний шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларининг бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилишга катта аҳамият қаратилди. Изчил тадбирлар натижасида қисқа муддатда ушбу йўналишда жалб қилинган маблағлар 30,1 млрд. сўмни ташкил этди.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Ўз навбатида, аҳоли ва хўжалик субъектларидан жалб қилинган маблағлар кичик бизнес вакилларини ва истеъмол бозорини кредитлаш амалиётларини кенгайтиришга йўналтирилди. Ушбу мақсадда 2005 йил давомида 43,7 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Банк кредит портфели 9,3 млрд. сўмга ортиб, 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига 24,8 млрд. сўмга етказилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга ҳамда жисмоний шахсларга 37,2 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бунда асосий устувор вазифа сифатида хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, кичик ишлаб чиқариш ва республикада фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ажратилган кредитлар эвазига 4457 нафар янги иш ўринлари яратилди. Мижозларга қулайликлар яратиш ҳамда банк хизматлари кўламини кенгайтириш мақсадида амалдаги кредит турларига қўшимча равишда "Комфорд-люкс" ва "Овердрафт" кредитлари амалиётга жорий қилинди. Ҳозирда банкнинг минглаб мижозлари мазкур микрокредитлар эвазига турмуш фаровонлигини янада оширишга эришдилар.

НАКД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Банк муассасаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар янада жадаллаштирилди. Жумладан, 2005 йил давомида 43,5 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди, ушбу кўрсаткич белгиланган режага нисбатан 3,5 минг донага кўпдир. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни янада жадаллаштириш ва пластик карточка соҳибларига қулайликлар яратиш мақсадида жойларда 675 та, шу жумладан, 262 та банк муассасаларида ва 413 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига терминаллар ўрнатилиб, улар орқали мижозларга хизмат кўрсатилиш ташкил этилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган жами транзакция миқдори 18,0 млрд. сўмга яқин бўлмоқда.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада фаоллаштириш, янги банк хизмати турини амалиётга жорий қилиш ҳамда мижозларнинг қисқа муддатли молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2005 йилнинг декабрь ойидан Халқ банкининг сўмли пластик карточкаси орқали овердрафт кредити амалиётга тадбиқ қилинди ва бу борадаги тадбирлар ҳозирда янада жадаллаштирилмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Германиянинг Халқаро жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорлик доирасидаги тадбирлар давом эттирилди. Бунинг самараси сифатида Германия жамғарма кассалари фонди томонидан 2005 йилда Бухоро вилояти Ф.Хўжаев ҳамда Хоразм вилояти Хива филиаллари қайта таъмирланди ва хорижда ишлаб чиқарилган замонавий банк воситалари ва мебеллар билан жиҳозланди. Эндиликда банкнинг намунавий филиаллари 2 тага ортиб, ҳозирда 5 жойда мижозларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Намунали филиалларда кичик бизнес субъектларини кредитлаш йўлга қўйилиб, бугунги кунда яққол самаралар бермоқда.

Тилга олинган кўрсаткич ва рақамлар мижозларга намунали хизмат кўрсатиш ва уларнинг талабларини тўхтовсиз бажариш орқали уларнинг банкка бўлган ишончларини мустаҳкамлаш борасида аниқ тадбирларни амалга оширганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Халқ банки жамоаси 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мижозларга замонавий хизмат турларини кўрсатиш, республикамизда ишлаб чиқарилаётган ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларига микрокредитлар ажратиш, мижозларни депозит ҳисобварақлардан пул маблағларининг узлуксиз берилишини таъминлаш ҳамда маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда янги омонат турларини амалиётга жорий этишни йўлга қўймоқда. Бундай фаолиятда самарали натижаларга эришишда кўп минг сонли банк ходимларига зафарлар тилаймиз.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Российский линолеум

Оптовые поставки Versal MKO
Офис: ул. Амира Темура - Эргашева, 1

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Продажа в розницу
Паркентский рынок
Магазин 113
тел. 185-48-11

Славянские обои

Спорт

Миржалол Қосимов футболчилик фаолиятини якунлади. Январь ойининг бошларида мамлакат оммавий ахборот воситалари орқали тарқалган бу хабар кўпчилик учун кутилмаган бўлди. Футболчининг бу қарори айниқса, «Машъал» жамоаси мухлисларини ташвишлантирган бўлиши аниқ. Тўғри-да, жамоа илк маротаба Осиё чемпионлар лигасида иштирок этса-ю, унинг энг тажрибали аъзоси, бутун жамоа ўйинини ўз тизгинида ушлайдиган сардор футбол билан хайрлашса...

ИФТИХОР

Раҳмат сенга, МИРЖАЛОЛ!

Ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, ёшлар ўртасида Европа чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, Ўзбекистоннинг уч карра чемпиони ва икки бор кумуш медаль соҳиби, Ўзбекистон кубогининг икки марта соҳиби, Россия чемпиони ва икки бор вице-чемпиони, Осиё чемпионати финал турнирининг икки бор иштирокчиси, УЕФА турнири қатнашчиси, Ўзбекистон терма жамоаси сафида 67 бор (рекорд кўрсаткич) майдонга тушиб, 30 марта (буям рекорд) тўп киритган, Осиё ўйинларининг энг яхши ярим ҳимоячиси, Ўзбекистоннинг уч карра энг яхши ўйинчиси.

Бундай кўрсаткичга Миржалолдан бошқа ҳеч ким эришмаган. Демак, у соҳаси бўйича тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб улгурди. Бироқ бу кўрсаткичлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тинимсиз машғулотлар, йиллаб уйда бўлмаслик, операция столи...

Энг қизиғи, икки киши бўлиб мураббийни кўндиришмаганда Миржалол умуман футболчи бўлмаслиги ҳам мумкин эди...

Қўшоқ аканинг ёлғиз ўғли Миржалол ёшлигиданоқ "кўча чангитиш" одатини чиқарди. Мактабдан келиши билан апил-тапил овқатланиб кўчага югурар, фақат қош қорайганида пуччайган тўпни қўлтиқлаб уйга қайтарди. Ўғлини ўқимишли, зиёли қилиб тарбиялашни мақсад қилган Қўшоқ ака фарзандининг кундалик баҳоларини изчил назорат қилса-да, футбол унинг асосий вақтини олаётганидан норозидек эди. Яқинлари отага ўғлини футбол тўгарагига олиб боришни, шунда "кўча чангитиш" ўз-ўзидан қолиб кетиши ҳақида маслаҳат бердилар. Миржалол 10 ёшга тўлиши билан отаси уни Қорақамиш даҳасидаги «Чиғатой» футбол мактабига олиб борди. 1970 йилда туғилган болаларга футбол сирларини ўргатаётган мураббий Юрий Госпадарчук боланинг кичик жуссасини кўриб бош чайқади ва Қўшоқ акага рад жавобини берди (кейинчалик унга айнан Миржалолдек шогирд тайёрлагани учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий" фахрли унвони берилди). Отанинг "Боламнинг руҳини туширманг, ҳеч бўлмаса бир марта ўйнатиб кўринг" деган илтижосидан сўнг ўйланиб қолди, ҳамкасбининг "Сендан нима кетади, ростданам ўйнатиб кўр, бўлмаса жавоб бериб юборасан" деган гапидан кейингина рози бўлди ва майдонга ишора қилди. Кейинчалик Қўшоқ аканинг тан олишича, ўша куни у ўғлининг машҳур футболчи бўлиб етишиши орзусида эмас, балки ушбу тўгаракка қатнаса, қош қорайгунча кўчада қолиб кетиши олди олиниши учунгина қатъийлик қилган экан. Аммо кўча футболи ҳадисини олган Миржалол ўзидан катта болаларни ҳам осонликча алдаб ўтаётганини кўрган отанинг ҳам завқи қайнади. У машғулотларни охиригача қузатгач, мураббий фарзандини ушбу даргоҳга қабул қилишини сезди. Худди шундай бўлди ҳам. Фақат уйга боргач, ота-бола яна бир бор жиддий гаплашиб олишди. Миржалол энди кўчада кечгача қолиб кетмасликка, ўқишларини ҳам яхши ўзлаштиришга ваъда берди.

Республика футбол маҳоратини ошириш олий мактаби («Чиғатой»нинг тўлиқ номи ана шундай) очилгандан бери энг иқтидорли футболчилар айнан 1970 йилда туғилган болалар орасидан чиқди. Таркибида Миржалол Қосимов, Шуҳрат Мақсудов, Сергей Андреев сингари ёш футболчилар бўлган жамоа шаҳар ва республика миқёсидаги мусобақаларда тенгдошларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Бутуниттифоқ миқёсидаги турнирларда ҳам чиройли ўйинлари билан мутахассислар эътиборини қозонишди. 1984 йил Воронеж шаҳрида бўлиб ўтган турнирда ҳамюртларимиз 15 республика орасида 5-ўринни эгаллашса-да, Миржалол Қосимовнинг хатти-ҳаракатлари собиқ иттифоқ ўсмирлар терма жамоаси мураббийлари назарига тушди. Мураббийларни биринчи навбатда Қосимовнинг ўз ёшига хос бўлмаган ақлли футбол намойиш этиши, исталган матортиб олинди. Шу тариқа юртдошимиз ўсмирлар ўртасида Европа чемпионлигига эришди.

Жаҳон чемпионатига йўлланма олган ўсмирлар Канада яшил майдонларида ҳам чиройли ўйинлар намойиш этишди. Финалда нигерялик тенгдошларини мағлуб этган собиқ иттифоқ термаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Олтин кубокни ФИФАнинг ўша пайтдаги президенти Жаоа Авеланж ва футбол қироли Пеле қўлидан ўзбекистонлик 17 ёшли ўспирин Миржалол Қосимов қабул қилиб олди.

Миржалолнинг шуҳратли онлари ва миллий терма жамоамиздаги беқиёс ўрни ҳақида кўп ва хўп гапирилган ҳамда ёзилган. Бу ҳақда ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз. Фақат унинг бошқаларга ўхшамайдиган икки хислатини таъкидламоқчимиз. Бу унинг Иродали ва Ватанпарварлигидир. 1994 йил Ўзбекистонни Осиё ўйинлари ғолиби, 1995 йил эса "Алания"ни Россия чемпиони қилишга катта улуш қўшган Миржалолнинг организми оғир юкларни кўтара олмади. 1996 йил умуртқа поғонаси бутун танани ҳаракатга келтирадиган асаб томирларини қисиб қўйди ва у жарроҳлик столига ётқизилди. Германияда операция қилиниб, Ватанига қайтган футбол юлдузини уйга шифокорлар замбилида олиб киришганида ота-онанинг аҳволини тасаввур этишнинг ўзи қанчалар даҳшатли... Ўша пайтда улар Яратгандан фақат бир нарсани сўрашди — ёлғиз ўғиллари оёққа туриб кетишини. Яратган суйган бандасидан ўз марҳаматини аямади — Миржалол нафақат оёққа туриб кетди, орадан бир йил ҳам ўтмасдан терма жамоа мураббийларига курашга шай эканлигини айтади! Ўша пайтда миллий терма жамоамиз 1998 йилги жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этаётганди. Ҳали ҳеч қайси жамоада шуғулланмаётган Қосимов Тошкентдаги БАА термаси билан кечадиган ўйинга терма жамоа либосида тушиб келганида бутун стадион ўрнидан туриб, Миржалолни олқишлаганини, баъзи мухлислар бу воқеадан таъсирланиб кўзлари севинч ёшларига тўлганига кўпчилик гувоҳ бўлган. Бу ҳақиқий Ирода эмасми?!

Футболчиларимиз Европа мамлакатларига бориб малака оширишлари терма жамоамизга катта фойда бериши барчага маълум. Хориж клублари футболчиларимизни терма жамоа ихтиёрига юбормаслик учун не-не баҳоналарни ўйлаб топишларини ҳам яхши биласиз. Ҳар бир масъулиятли учрашув олдидан Поляков, Пашинин, Маминовлар келармикан дея юрак ҳовучлаган пайтларимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Улар-ку, майли, киндик қонлари юртимиз заминига тўкилмаган. Ўзбекистонда туғилиб ўсган Сафонов, Фёдоров, Зейтуллаев ва Шацкихлар-чи? Ахир улар ҳам ҳар сафар терма жамоа ихтиёрига етиб келиш учун қанча тўсиқларга дуч келишади ва баъзида уларни енгиб ўта олишмайди. Хорижга кетган футболчилар орасида фақатгина Миржалол Қосимов терма жамоа чақиригига доимо "лаббай" деб жавоб қайтарган. Баъзи хорижий клублар Қосимов билан шартнома имзолаётганида "Терма жамоа ихтиёрига фақат клуб рухсати билан кетаман" деган банд киргазиш эвазига унинг даромадини икки-уч баравар ошириш таклифини ҳам ўртага ташлаганлар. Лекин бундай «ўйин»ларга Миржалол умуман қўшилмаган.

...2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидан аввал Миржалол қаттиқ шамоллаб қолди. Одатда шифокорлар касалликни оёқда ўтказиш салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида кўп гапиришади. Лекин олинда миллий терма жамоа шарафини ҳимоя қилишдек шарафли вазифа турибди. Деярли бир ҳафта у кучли дори воситалари ёрдамида касаллик билан курашди. Аммо юқори ҳарорат ўйин куни ҳам бор эди. Миржалол ана шу ҳарорат билан майдонга тушди, натижада ўйиндан кейин ётиб қолди, шифокорлар кўрсатмасига амал қилмаганидан шамоллаш ўпкасига ўтиб улгурганди. Бу ҳақиқий Ватанпарварлик эмасми?!

Албатта, жорий йил 36 ёшни қаршилайдиган Миржалол Қосимовдан бу мавсум ҳам зафарли одимларни кутган эдик. Илк маротаба Осиё чемпионлар лигасига йўл олган "Машъал" таркибида у юртимиз шарафини ҳимоя этиши, қолаверса, навбатдаги Осиё чемпионати саралаш баҳсларида терма жамоамизни сардор сифатида майдонга бошлаб тушиши лозим эди. Афсуски, декабрь ойида унинг эски дарди яна қўзғади. Умуртқа поғона грижаси яна 7 миллиметрга етди. Айнан шундай кўрсаткич билан у бундан 9 йил олдин жарроҳлик столига ётқизилган эди...

Миржалол Қосимов футболчилик фаолиятини якунлади. Бу хабар бизга ёқмаса-да, у билан келишишга мажбурмиз. Муҳими, бизнинг ҳам ўз футбол қиролимиз етишиб чиқди. Энди "кўча чангитаётган" болакайлар Пеле ёки Марадонага ҳавас қилиб 10-рақамни эмас, 4-рақамни танлаётган бўлсалар, ота-оналар, билинг — фарзандингиз Миржалол Қосимовдек бўлишни орзу қилаяпти. Миржалол эса футбол билан бутунлай хайрлашгани йўқ.. Энди у мураббийлик соҳасини эгаллашга бел боғлади. Унинг яшил майдонда қолган биргина армони — Ўзбекистон терма жамоаси билан жаҳон чемпионатига бора олмагани бўлди. Лекин у мураббий сифатида бу вазифани уддалашига ишонамиз. Бунинг сабаби эса оддий — у ҳали ҳеч ким босмаган изга қадам қўйишига барчамизни ўргатиб қўйган...

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ,
футбол шарҳловчиси.

Мақола муаллифи бугун етмиш ёшга кирди. Ахбор ака узоқ йиллардан буён ўз репортажлари, жиддий таҳлилий чиқишлари билан ўзбек футболи ривожига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Кўп йиллик тажрибалари маҳсули сифатида "1-3 синфларда жисмоний тарбия дарси материаллари" (Т.Усмонхўжаев ва Л. Шехова билан биргаликда) "Футбол — қувончим, дардим, фахрим", "Мафтунингман, футбол" китоблари дунёга келди. Ҳозирги кунда "Ўзбегимнинг Миржалоли" китоби чоп этиш арафасида. Фаридахон ая билан беш фарзандни вояга етказишди. Ўн беш нафар неварани севимли бобоси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Кўп жилдли Ўзбекистон Миллий Қомуси («ЎзМЭ») — мустақиллик даврида халқимиз эришган маънавий-маърифий неъматлардан биридир. У шунинг учун ҳам миллий ҳисобланадики, саҳифаларида мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётда эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, маданияти, илм-фани, қадриятларини, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича илмий акс эттиради.

ҚОМУСНИНГ ЯНГИ ЖИЛДИ

Бунинг устига, Миллий Қомусимизда дунё тарихи ва замонавий ҳаётига ҳамда Ўзбекистон мавзуига тааллуқли барча материаллар энг замонавий илмий дунёқараш асосида талқин этилган.

Худди мана шундай сифатлар Қомуснинг шу кеча-кундузда нашрдан чиққан янги ўн биринчи жилдида ҳам яққол кўзга ташланади. Шунингдек, мазкур жилднинг яна бир ўзгачалиги шундаки, унда соф ўзбекча талаффуздаги «Қ», «F», «Ҳ» ҳарфлари доирасидаги мақолалар қамраб олинган. Ушбу жилдда 1626 та мақола қамраб олинган бўлиб, уларнинг 80 фоизи маҳаллий материаллар ҳисобланади.



Жумладан, Қомусимизнинг бу жилдидаги тарих, археология ва этнография фанлари бўйича 313 та мақола берилган. Уларнинг орасида долзарб, назарий, янгича методология асосида ёритилган «Қоратепа» (Ш. Пидаев), «Қорахонийлар давлати» (Б. Маҳмудов), «Қува» (А. Муҳаммаджонов), «Қорақалпоқлар» (С. Камолов), «Ҳарбий тарих», «Ҳарбий кийимлар» (И. Иноятов) каби мақолаларни ўқиймиз. Ёки фалсафа ва ҳуқуқ фанлари йўналишидаги 137 та мақола орасида «Қуръон», «Ҳадис» (Абдулазиз Мансур), «Ҳанафийлик», «Ҳанбалийлик», «Ҳаж», «Ҳалол ва ҳаром», «Ҳидоя», «Хизбут-таҳрир» каби, халқимиз, айниқса, ёш авлод дунёқарашини энг замонавий илмий нуқтаи назар, маълумотлар билан бойитувчи материаллар мавжуд. Шунингдек, ҳуқуқ мавзуига ҳам бир мунча кенг ўрин берилган. Жумладан, муштарийлар миллий Қомус саҳифаларидан «Қонунийлик», «Қонунчилик», «Қонун устуворлиги», «Қонунчилик ташаббуси», «Ҳуқуқий давлат», «Ҳуқуқий онг», «Ҳуқуқ объекти», «Ҳуқуқ субъекти» каби қизиқарли мақолаларни учратади.

II жилдда муштарийлар иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги, география ва геология, тил ва адабиёт, педагогика, маданият ва спорт мавзуларида ҳам бири-биридан бой ва қизиқарли мақолалар ва маълумотларни топади.

Зилола РАҲИМБЕКОВА.

torino 2006

Олимпиада ҳаяжонлари

Италиянинг Турин шаҳрида XX қишки Олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирди. Кеча фигурали учиш бўйича қатнашаётган ҳамюртимиз Анастасия Гимазетдинова ва тоғ чанғичимиз Қайрат Эрматовлар ҳам мусобақаларда иштирок этдилар.

Олимпиада ўйинларида саксондан ортиқ мамлакатдан спортчилар иштирок этаётган бўлса-да, ҳозирча фақат йигирмадан ортиқ мамлакат вакилларига медаллар насиб этди.

Жамоавий баҳсларда германияликлар спортчилар еттита олтин, еттита кумуш ва тўртта бронза медаллари билан биринчи ўринга кўтарилиб олишди. Еттита олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медалларига эгалик қилаётган АҚШ жамоаси иккинчи ўринда бораяпти. Россияликлар олтита олтин, иккита кумуш, бешта бронза медали билан учинчи ўринни банд этишган. Австрия, Корея, Италия, Франция ва Эстония мамлакатлари спортчилари кучли саккизликдан жой олиб туришибди.

«Пахтакор» кейинги босқичда

Италияда футбол бўйича анъанавий "Коппа Карневале" турнири қизғин давом этмоқда. "Пахтакор" жамоасининг ёш таркиби иккинчи учрашувни Болгариянинг "Нафтекс Поморье" клубига қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу ўйиндан сўнг олти очко жамғарган "Пахтакор" ўз гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ»
Республика фонд биржаси

қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини янада фаоллаштириш, кенг рақобат муҳитини шакллантириш ва бозорнинг ошкоралик салоҳиятини юксалтириш мақсадида брокерлик ўрнининг нархини имтиёзли равишда 50000 сўм ҳажмида белгилаш ҳақида қарор қабул қилди.

Имтиёзли нарх 2006 йилнинг 1 июлига қадар амал қилади.

Брокерлик ўринларини «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» ги низом талабларига жавоб берувчи юридик шахслар сотиб олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 136-07-40, 136-14-31.

«Тошкент» РФБ бошқаруви.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!
ТАШКИЛОТ – «ГАЗ» ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!
Товар сертификатланган
Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 126-12-94.

NG SERVICE ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
«NG SERVICE» ҚК дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.
Сервис-марказ кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.
Шунингдек, етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.
Ўзбекистоннинг барча минтақаларида 12 филиалимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: Авиасозлар саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«ГРАНА» Алтай - Россия
УН барча навлари
ЁРМАЛАР
Ун о/н 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Ун 1-нав
Жавдар ун
Қора буғдой, нўхатли, перловка, арпа, манна ва геркулес ёрмалари
«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги
Энди Ўзбекистонда ҳам
Грана
УЛГУРЖИ САВДО 10 ТОННАДАН ЮҚОРИ
Маҳсулот сертификатланган
Тошкент ш., Архитекторлар кўч., 17. Тел./факс 148-04-01
тел. 103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси компания собиқ раҳбари
Саидакбар Хожиакбарович АБДУРАҲИМОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация бирлашмаси маъмурияти ва жамоаси Самарқанд вилояти Инкассация бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Бекзод Саидович Эшановга волидаи муҳтарамаси
Мубаро ЭШАНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси бош рассом Ж. Одиловга укаси
Раҳимбек ОДИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 1 2 3 4